

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВА МАЛОҲАТ РИХСИБАЕВНА

ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИДА «АРБАЪИН» ЁЗИШ АНЪАНАЛАРИ
(ЖОМИЙ, НАВОИЙ ВА ФУЗУЛИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК: 801,8-5
КБК: 83,3-5
П-92

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Пулатова Малоҳат Рихсибаевна

Шарқ мумтоз адабиётида «Арбаъин» ёзиш анъаналари
(Жомий, Навоий ва Ғузулий асарлари мисолида) 3

Пулатова Малоҳат Рихсибаевна

Традиции «Арбаъин» в классической восточной литературе
(на примере произведений Джами, Навои и Ғузули) 27

Pulatova Malokhat Rikhsibaevna

Traditions of «Arbain» in classical oriental literature
(on the example of Jami, Navoi and Fuzuli) 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВА МАЛОҲАТ РИХСИБАЕВНА

ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИДА «АРБАЪИН» ЁЗИШ АНЪАНАЛАРИ
(ЖОМИЙ, НАВОИЙ ВА ФУЗУЛИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси маълуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.188 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.tadshiv.uz) «ZiyoNET» Аxbорот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:	Иномидаров Муҳаммаджон Султонович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлари:	Шадмонов Нафас Намозович филология фанлари доктори, профессор Очидов Эргаш Закирович филология фанлари номзода, доцент
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «6» октябры 2020 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Аxbорот-ресурс марказида танишиш мумкин. («6» рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2020 йил «11» октябры куни тарқатилади.

(2020 йил «11» октябры даги «6» рақамли реестр баённомаси).



А.М. Машонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимутамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

К.Ш. Оминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенгашидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё шарқшунослигида жаҳон қўлёзма фондларида сақланаётган ирфоний адабиёт намояналари меросини матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, улар яратган асарларининг маъно-моҳияти, поэтикаси масалаларини тадқиқ этиш, шарқ қўлёзма манбаларни илмий муомалага киритиш тобора ортиб бормоқда. Жамиятининг янада юксалишида уларда акс этган комил инсон концепцияси, фалсафий-ирфоний қарашлар, ижтимоий ва одоб-ахлоққа оид масалаларга бағишланган илмий тадқиқотларнинг ўрни каттадир.

Жаҳон халқлари бир-бирларининг санъати, адабиёти, илм-фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиши умуминсоний маънавий ҳамда маданий қадриятларнинг шаклланиши, инсониятнинг маънавий юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Араб, форс, туркий тилларда ёзилган «Арбаъин» қўлёзма манбалари алоҳида ҳолда матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиб келинган. Эндиликда уларни комплекс тарзда тадқиқ этиш соҳанинг устувор йўналишларидан бўлиб, ҳамиша долзарб ҳисобланган. Чунончи, арабий, форсий, туркий қўлёзма манбаларнинг каталогини тузиш, монографик тавсифи ва илмий матнларини яратиш, уларни тарихий-филологик нуқтаи назардан ўрганиш умумжаҳон меросни асраб қолишнинг муҳим омилдир.

Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётган бугунги кунда, барча соҳалар қатори илмий меросимизнинг таркибий қисми бўлган мумтоз адабиётимиз намояналарининг диний, маънавий, бадий асарларини ўрганишда янги ёндашувлар жорий этилмоқда. Шарқ мумтоз адабиётида ўзига хос анъанага эга бўлган буюк алломаларимизнинг бадий-маърифий, диний меросига оид кўп асрлик арбаъин қўлёзма манбаларини жумладан, Жомий, Навоий ва Ғузулий «Арбаъин» – «Чихил ҳадис» асарларини адабий манбашунослик ҳамда матншунослик нуқтаи назаридан батафсил қиёсий ўрганиш форс ва туркий тилда яратилган арбаъин анъанасининг муҳим манбаларидан бири сифатида бугунги авлодларнинг таълим-тарбияси ва маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680 сонли «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари, БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзланган нутқларидаги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 572-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 22 июндаги 466-сон «Ўзбекистон халқаро ислом

академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга татбиқ этишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётинининг бадиий-эстетик асосларида ислом анъаналари масалалари янгича ёндашувлар билан баҳолана бошланди¹.

Шарқ адабиётида арбаъин анъанаси билан боғлиқ турли масалалар, хусусан, арбаъин, унинг мавзулари ва қўлёзма манбаларига доир маълумотлар И.Крачковский, И.Фильштинский, А.Куделин, Б.Шидфар, Е.Бертельс, И.Брагинский, А.Деххудо, А.Афсаҳзод, Р.Мусулмонкулов, Р.Ходизода каби² олимларнинг тадқиқотларида у ёки бу даражада кўриб чиқилган.

Р.Ходизода ўзининг «Ҳафт гуфтор дар барои Қуръон» («Қуръон ҳақида етти сўз») номли тадқиқотида Қуръон оятларининг маснавийларга таъсири ҳақида ёзган. Тожикистонлик адабиётшунослар У.Гафарованинг «Қиссаҳои Қуръон дар «Таржумаи тафсири Табарий» («Қуръон қиссалари «Тафсири Табарий таржимасида») докторлик ишида ва Н.Муродийнинг «Муножотларда наът» ва «IX-XI аср форс-тожик шеърлятида муножотлар ва уларнинг хусусиятлари» монографиясида ислом мавзулари, хусусан, ҳадисларнинг адабиётдаги ўрни борасида сўз боради. Ф.Насриддинов, С.Мирзоев,

¹ Рустамов А. Алишер Навоий. Сирож ул-муслимийн. – Тошкент: Мерос-Нур, 1993. – 110 б.; Караматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – 93 б.; Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиссий таҳлили: Филол.фан.д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 50 б.; Уватов У. Буюк муҳаддислар: ал-Бухорий, Муслим ат-Термизий. – Тошкент, 1998. – 63 б.; Нуриддинов М.Н. Тафаккур шуълалари ёхуд исломшуносликнинг баъзи муаммолари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1998. – 80 б.; Назаров.Б.Н. Ислом ағиографияси тизимида мақоматнинг ўрни ва унинг бадиий-услубий хусусиятлари (Баҳоуддин Нақшбанд мақоматлари асосида): Филол.фан.д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2000. – Б. 11.; Ҳадис ва Ҳаёт. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. 1-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 158 б.; Исломов З. Шарқ манбашунослигида «Муқаддима» ва унинг аҳамияти / Тарихий манбашунослик муаммолари. – Тошкент, 2003. – Б. 76-78; Муродов.Д. Ҳадисшунослик. Атама ва иборалар. – Тошкент, 2009. – Б. 12. (- б); 2014; Рустамий С. Балоғат илмида лингвистик назариялар ва тил ҳодисаларининг ёритилиши. – Тошкент: Наврўз, 2017. – 170 б.; Шакирова Ш. Бобожон Санойининг адабий-ирфоний меъроси: Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2018.

² Крачковский И. Арабская поэтика в IX веке / Изб.соч. – М. – Л.: Академия наук, Т. II. – 1956. – С. 363. (712 с.); Ходизода Р. Ақидаҳои адабии-эстетикаи Жоми / Абдурахмон Жоми. Мажмуаи мақолаҳо. – Душанбе: Ирфон, 1965. – С. 76-90; Ходизода Р. Назари Чоми ба назм / Ходизода Р. Аз гузашта ва ҳозираи адабиёти тоҷик. – Душанбе: Ирфон, 1974. – С. 22-44; Шидфар Б. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.). – М.: Наука, 1974. – 256 с.; Фильштинский И. Арабская литература в средние века. – М.: Гл.ред.вост.лит., 1977. – 290 с.; Афсаҳзод А. Рўзгор ва осори Абдурахмон Жомий. – Душанбе: Дониш, 1980. – 224 с.; Куделин А. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983. – 258 с.; Брагинский И. Древнеиранская литература. – М.: Наука, 1983; Куделин А. Концепция канона в средневековой арабской поэтике: Дисс. ... д-ра филол.наук. – М., 1984, - 386 с.; Брагинский И. Иранское литературное наследие. – М.: Наука, 1984; Бертельс Е. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988. – 558 с.; Деххудо. Луғатнома. Ж.1. – Техрон, – б. 385.; Мусулманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. (VII-XV вв.). – М.: Наука, ГРВЛ, 1989. – 240 с.

Ф.Салимовларнинг номзодлик ишларида Майбудий, Соинуддин Хужандий, Хужвирий асарларида ҳадислардан фойдаланиш масалалари ўрганилган. Ф.А.Камолов томонидан Жомий «Арбаъин»ини ўрганишга бағишланган жиддий тадқиқот изланишлари олиб борилган³.

Хорижий олимларнинг нашрларида мазкур мавзу у ёки бу даражада ўз аксини топган. Карл Броккельман араб адабиёти тарихида арбаъиннинг юзага келишини, Ж.Робсон – ҳадисларни илмий ўрганиш, Е.Э.Бертельс – ҳадисларнинг маъносини ўрганиш ва уларга шарҳ ёзиш масаласи, Ойдин Нажафов «40 йилликка ҳадя» асарида Жомий ва Навоий ижодида ҳадисларнинг шеърӣ инъикоси мавзуси, Алиакбар Деххудо – «Амсол ва ҳикам»га ҳадисларнинг таъсири, Алиасқар Ҳалабий – форс-тожик адабиётида Қуръон ва ҳадисларнинг аҳамияти масалаларини ўрганишган. Бундан ташқари, Алимухаммад Муаззиний, Бадеъуззамон Фурузонфар, Сайидмухаммад Ростгу, Козим Мудиршоначий, Зоҳид Вайсий каби эрон олимларининг тадқиқотларида турли замонларда яшаган адиблар ижодида ҳадисларнинг тутган ўрни ва роли ўрганилган⁴. Озарбайжон олими Атами Мирзаев томонидан Жомий, Навоий ва Фузулий «Арбаъин»ларини ўзига хос тарзда қиёслади⁵.

Ўзбекистонда айнан мустақиллик йилларида арбаъинларга бўлган қизиқиш қайта тикланди⁶. Арбаъинларни чоп этиш анъанаси бошланди. Бир қатор арбаъинлар қайта нашр қилинди. Масалан, Алишер Навоийнинг «Арбаъин» асари алоҳида китоб ҳолида арабий матнлари билан 1991 йилда тўлиқ нашр этилди. Мазкур китобча 29 бетдан иборат бўлиб, шоирнинг арбаъинлари жамланмаси сифатида шакллантирилган. Ҳудди шу йил Навоий арбаъинининг яна бир тўлиқ матни олимлар С.Ҳасанов ва А.Рустамовлар томонидан изоҳ ва шарҳлари билан нашр қилинди⁷, бироқ ҳар иккала китобда асарнинг илмий таҳлили берилмайди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Мукаммал асарлар тўплами»да шоирнинг арбаъин асари бир неча бор нашр қилинган.

Шундай қилиб, Жомий, Навоий ва Фузулий «Арбаъин» асарларининг қўлёзма нусхалари ва уларнинг батафсил қиёсий матний таҳлили ҳануз амалга оширилган эмас. Бу мавзунини тизимли ўрганиш, ўзбек, тожик, озарбайжон халқлари орасида алоҳида нуфузга эга бўлган ва қўлёзмалари кенг тарқалган ушбу асарларни ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш филология фани олдида турган долзарб масалалардан биридир.

³ Камолов Ф. «Чихил ҳадис» Абдуррахмана Джами и традиция написания сорока хадисов в персидско-таджикской литературе (до XV века): Автореф. дисс... канд. филол.н. – Худжанд, 2012. – 24 с.

⁴ Ўша асар.

⁵ Мирзаев Атами. «40 ҳадис».- Баку: Озан, 1997. 87 б.

⁶ Рустамов А. Алишер Навоий. Арбаъин – Шарҳ ва изоҳлар. – Тошкент: Мерос, 1991. – 32 б.; Караматов Ҳ. Арбаъин ҳадис ва қирқ мақол. – Тошкент: Фан, 1994; Мухаммад ибн Абу Бакр. Ҳадиси Усфурий . – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002; Арбаъин (тахрижи, насрий баёни, қисқача изоҳи билан) / Алишер Навоий. «Навоийдан чу топқайлар навое» (Нашрга тайёрловчилар, таржима ва изоҳ муаллифлари Ҳасанхон Яҳё Абдумажид, Хусайнхон Яҳё Абдумажид). – Тошкент: Nilol-Nashr, 2014; Имом Мухиддин Закарий ибн Шараф Нававиё. Қирқ ҳадис. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. –116 б.

⁷ Рустамов А. Алишер Навоий. Арбаъин. – Шарҳ ва изоҳлар. – Тошкент: Мерос, 1991. – Б. 27.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Адабий манбашунослик, матншунослик, шарқ кўлёмаларини ўрганиш масалалари»; «Шарқ халқлари адабиётларининг қадимий ёзма манбалари, уларда акс этган қадимий шарқ тафаккури ва бадиий-адабий, маънавий, мерос масалалари» мавзуидаги илмий тадқиқотлар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жомий, Навоий ва Фузулий «Арбаъин» – «Чиҳил ҳадис» асарларининг матншунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«арбаъин» истилоҳи ва унинг тарихий-ижтимоий этимологиясини илмий асослаш;

«арбаъин»ни адабий жанр сифатида баҳолаш ва унинг классификацияси ҳамда типологиясини аниқлаш;

арбаъинларда Куръони карим ва ҳадисларнинг адабий талқини масалаларини очиб бериш;

Жомий, Навоий «Арбаъин» – «Чиҳил ҳадис» асарларининг кўлёмма нусхалари ва уларнинг матншунослик тадқиқини амалга ошириш;

Жомий, Навоий ва Фузулий «Арбаъин»ларининг солиштирма қиёсий таҳлилини ўтказиш, шу асосида ҳар уч ижодкорнинг ўзига хос бадиий маҳоратини очиб бериш;

«арбаъин» жанрининг ҳозирги ўзбек адабиётидаги замонавий ривож масалаларига эътибор қаратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шарқ адабиётида «Арбаъин» жанрида ёзилган асарлар, хусусан, шаклий ва мазмуний такомиленинг юксак даражаси сифатида Жомий, Навоий ва Фузулий «Арбаъин» – «Чиҳил ҳадис» асарлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Жомий, Навоий ва Фузулий «Арбаъин» – «Чиҳил ҳадис» асарларининг Ўзбекистонда сақланаётган кўлёмма нусхалари ва унинг бадиияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таърифлаш, контекстуал ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Дастлаб араб тилида турли маъноларда ишлатилган «арбаъин» истилоҳи ўз тарихий этимологик тараққиётида VIII-XII асрлар давомида соф диний адабиётдаги бир жанр маъносини касб этиб, кейинги ривожланиш жараёнида унинг мавзулар доираси фалсафий-гасаввувий ва адабий йўналишлар сари кенгайиб борганлиги асосланган;

Жомий ва Навоий «Арбаъин» – «Чиҳил ҳадис» асарларининг кўлёмма нусхаларининг матншунослик тадқиқи асосида форс-тожик ва туркий шеърятда XV асрга келиб айнан Жомий, Навоий ва Фузулийнинг арбаъинлари пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг ижтимоий-ахлоқий мазмундаги 40 та

ҳадисини шеърӣ қитъалар туркуми сифатида шарҳлаш асосида мустақил адабий-бадӣ жанр сифатида намоён бўлганлиги исботланган;

Жомий, Навоӣ ва Фузулий яратган «Арбаъин»лар бир хил ҳадислар шарҳига бағишланганлигига қарамай, улар араб тилидаги ҳадисларнинг форс ва туркий тилларидаги оддийгина таржимаси эмас, балки ҳар бир шоирнинг ўзига хос миллий ва эстетик концепциядаги фарқлар туфайли ҳар бири бугунги кунда ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини сақлаб келаётган алоҳида бадӣ асарлар эканлиги далилланган;

мусулмон минтақа адабиётида турли мавзудаги 40 та ҳадисни наср ёки назмда шарҳлаш негизида асарлар давомида «арбаъин» ёзиш анъанаси юзага келганлиги ва кейинги даврларда ҳам бу анъана давом этганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари кенг илмий жамоатчиликни Шарқ мумтоз адабиётида «арбаъин» жанри ривожи билан таништиради, хусусан, Жомий, Навоӣ ва Фузулий «Арбаъин» асарлари илк бор мазкур ишга тадқиқот объекти сифатида жалб этилган;

ишда Жомий ва Навоӣ «Арбаъин» қўлёзма манбаларининг монографик илмий тавсифи амалга оширилган;

ишда адабий манбашунослик йўналишидаги Жомий, Навоӣ ва Фузулий «Арбаъин» – «Чихил ҳадис» асарларидаги ҳадисларнинг шеърӣ талқини қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, Жомий, Навоӣларнинг «Арбаъин» – «Чихил ҳадис» асарлари ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзма нусхалари асосида ўрганилганлиги, Жомий, Навоӣ, Фузулий «Арбаъин» – «Чихил ҳадис» асарлари матншунослик ва адабий манбашунослик доирасида ишлаб чиқилган назарий методларни қўллаган ҳолда матний тадқиқ қилинганлиги, келтирилган таҳлил, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти ижтимоӣ-гуманитар фан соҳалари тарихи, адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, адабий-динӣ-маърифий мавзудаги асарларни яхлит ва атрофлича таҳлил этишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади. Диссертация натижаларидан «арбаъин»лар ҳам мумтоз, ҳам замонавий адабиётда анъанавий жанр эканлиги ойдинлашади, Жомий, Навоӣ, Фузулий «Арбаъин»лари сирасидаги адабий, динӣ асарларнинг жанр хусусиятларини аниқлаш, улар қўлёзма нусхаларининг матний таҳлили, қиёслаш бўйича амалга оширилган тадқиқотларда умумлашмалар, назарий хулосалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан чиқарилган илмий хулосалар ва назарий умумлашмалардан олий таълим тизими учун «Ўзбек адабиёти тарихи», «Адабиётшунослик» ҳамда «Матншунослик ва адабий манбашунослик» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар тузишда,

шунингдек, олий ўқув юрти талабалари ҳамда мактаб ўқувчилари учун Жомий, Навоий, Фузулий «Арбаъин» асарлари бадиияти бўйича ўқув-услубий қўлланма, маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шарқ мумтоз адабиётида «Арбаъин» ёзиш анъаналари (Жомий, Навоий ва Фузулий асарлари мисолида) мавзуси бўйича олинган натижалар асосида:

диссертациянинг «Арбаъин» («اربعمین») – «Чихил ҳадис» («چهل حدیث») асарларида Куръони карим ва ҳадисларнинг адабий талқини, Жомий, Алишер Навоий «Арбаъин» асарларининг қўлзма нусхалари тавсифи каби масалаларга оид маълумотлардан Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази вазифаларидан бири бўлган муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли таҳлил этишда, адабиётшунослик, адабий манбашунослик фанлари бўйича «Имом Бухорий таърифи» номли рисоланинг Имом Бухорий ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 12 февралдаги 02/54-сон далолатномаси). Ушбу илмий натижаларнинг қўлланиши исломшуносликка оид «Арбаъин» асарлари манбаларини жамиятга етказишнинг назарий-методологик усуллари билан бирга комил инсон ҳақидаги қарашлар, миллий қадриятлар асосида жамият дунёқарашини соғлом ҳолатда кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этган;

диссертациянинг арбаъинларда Куръони карим ва ҳадисларнинг адабий талқини масалалари билан боғлиқ илмий-назарий хулосаларнинг натижаларидан Халқаро ислом академиясининг «ПЗ-20170930192-»Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» ва «Масоил» асарларининг танқидий матнини тайёрлаш ва сайланмасини нашр этиш» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 29 августдаги 2348-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида яратилган «Тасаввуф» ўқув қўлланмасидаги «Арбаъин ҳадис» мавзусига бағишланган қисмини ёритишда фойдаланилган;

«Арбаъин»ларда Куръони Карим ва ҳадисларнинг адабий талқини, Жомий, Навоий, Фузулий «Арбаъин»ларининг Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари ривожига қўшган ҳиссаси, арбаъинлардаги бадиий маҳорат масалалари, бадиий тил услублари юзасидан олинган назарий хулосалардан «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик», «Адабий жараён», «Жаҳон адабиёти» радиоэшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2019 йил 20-августдаги О‘z/r-1-157-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши адабиёт ихлосмандлари, ўзбек китобхонлари ва радиотингловчилар учун шарқ адабиётида кенг тарқалган маънавий-ахлоқий йўналишдаги асарлар яратиш анъаналарининг мумтоз адабиётда ҳам кенг қўлланилганини маълумот беришда муҳим манба вазифасини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий мақола, шу жумладан, Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий журналларида 8 та мақола эълон қилинган: 1 та халқаро, 7 та республика нашрларида ёритилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми, иловалардан ташқари, 171 саҳифа матндан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети, фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шарқ мумтоз адабиётида «Арбаъин» жанри ва унинг эволюциясига доир**» деб номланган биринчи бобида «Арбаъин» истилоҳи, тарихий-ижтимоий этимологияси, «арбаъин» адабий жанр сифатида қаралиб унинг классификацияси ва типологияси ҳамда арбаъинларда Куръони Карим, Ҳадисларнинг адабий талқини масалалари ҳақида сўз боради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ислом динининг халқимиз тарихи, маданияти, урф одатида тутган ўрнини холис баҳолаш мақсадида миллий ўзликни англаш ва аждодларимизнинг бой илмий-фалсафий ва маданий-маърифий меъросини қайта тиклаш борасида изчил давлат сиёсати олиб борилди. 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорда таъкидланишига кўра, «Мустақиллик йилларида халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда. Айни вақтда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда»⁸.

Ислом дини Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё худудларига кенг ва чуқур кириб бориши натижасида мусулмон минтақа маданияти доирасидаги халқларнинг тафаккурини янги маънавий қадриятлар асосида бирлаштириб, моҳиятан барча мусулмон халқлари учун ягона бўлган яхлит маданият, хусусан, яхлит фалсафа, илм фан, бадиий адабиётнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Яхлит мусулмон минтақа маданияти ривожини мобайнида

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. 2017 йил 25 май. 103 (6797) – сон.

турли табиий ва ижтимоий фанлар қаторида адаб илмлари, хусусан, поэзия, тарихий проза, агиография, поэтик жанрлар кескин ривожланиб, мумтоз адабиётнинг яхлит тарзда шаклланиши учун шароит яратилди. Х.Караматовнинг «Қуръон ва ўзбек адабиёти» номли китобида шундай дейилади: «Қуръоний мавзуларнинг жаҳон ва алалхусус ўзбек адабиётига сингиб ўтиши фақат диний нуқтаи назардангина ибратли бўлиб қолмай, балки, шарқ адабиётининг биз учун мавҳум қирраларини ойдинлаштириб, турли адабий мавзуларнинг сарчашмаларини очган ва ҳозирги замон ўзбек адабиётининг ислом адабиёти билан шажаравий, мозийдан узилмас алоқаларини тиклашга ҳам мадад берган...»⁹

Ислом дини арконларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида VIII аср охири – IX асрдан бошланган Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари асосида арбаъин тузиш анъанаси XII асрларга келиб мусулмон халқлари мумтоз адабиётида «Арбаъин» ёки «Чиҳил ҳадис» номи остида қирқта ҳадисни бир ерга жамлаб, уларнинг маъносини халққа тушунтириб бериш, шарҳ ёзиш алоҳида адабий жанрга айлана бошлади.

Ҳар қандай адабий қонуният вужудга келишининг ўз ижтимоий, тарихий, фалсафий, мафкуравий, маданиятшунослик ва бадий тафаккур ривожи билан боғлиқ омиллари ҳамда сабаблари мавжуд. Бинобарин, фикримизча, *ижтимоий-тарихий, маънавий-маърифий, диний-эстетик ва педагогик, диний-мафкуравий, тарғибот-ташвиқот билан боғлиқ, шунингдек, шахсий-муаллифлик талаби ва эҳтиёжи билан боғлиқ омиллар* унинг поэтик шакл сифатида шаклланиши учун тўртки бўлган, улар мажмуи арбаъин келиб чиқишининг ижтимоий, тарихий ва бадий асосларини белгилаб беради.

«Арбаъин» тушунчаси этимологиясига қарайдиган бўлсак, ислом дини амалиётида арбаъин, аввало, «қирқ» сўзи билан боғлиқ ҳолда араб халқлари мистик тасаввурлари асосида вужудга келган. Араб ижтимоий воқелигида «арбаъин» термини бевосита ислом дини билан боғлиқ равишда, айни диний амалиёт сифатида шаклланган бўлиб, тақво эгалари Аллоҳ йўлида қирқ кеча-кундуз ёлғизликда тоат-ибодат билан шуғулланишни одат қилишган. Кейинчалик, бу одат янги йўналиш олиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини ёдлашга эътибор қаратилган. Ф.Камолов ўз диссертациясида барча арбаъинларнинг келиб чиқишига сабаб қилиб қуйидаги ҳадисни келтиради: «Менинг умматимдан кимки дин амри билан қирқ ҳадисни ёд олса, охират кунда алломалар ва фақиҳлар жамоасидан ўрин олади». Аслида, Қуръони карим оятларида ҳам «қирқ» сонига алоҳида аҳамият қаратилгани диссертацияда қатор мисоллар билан исбот қилинган.

Шундай қилиб, ҳадислар муайян диний-адабий йўналиш сифатида араб адабиётида вужудга келиб, кейинроқ ажам халқлари адабиётига ҳам катта таъсир ўтказган. Арбаъин ижод қилиш дин талабларида жуда юқори баҳолана бошлагач, бир қатор уламолар бу иш билан шуғулланишга киришган, бироқ бу жуда масъулиятли юмуш ҳисобланганидан, ҳар қандай ижодкор ҳам унга қўл уравмаган. Чунки арбаъинда Қуръон ва ҳадислар мазмуни талқини, улар

⁹ Караматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 5.

ифодаси бўлганлиги учун, агар хато кетса, дин уламоларининг қатъий эътирозини уйғотиш мумкин эди.

А.Наджафовнинг фикрига кўра: «Арбаъин айнан адабий жанр сифатида форс-тожик ва ўзбек адабиётлари асосида шаклланган. Арбаъин – бу Қуръон оятлари ва пайғамбар Муҳаммаднинг ҳадисларини талқин қилиш воситаси бўлган»¹⁰.

Бизнинг изланишларимиз натижасида шу нарса аён бўлдики, арбаъинларнинг адабий жанр сифатида шаклланиши дастлабки арабий арбаъинлардан то туркий арбаъинларгача бир қатор босқичларни босиб ўтган. Агар араб тилидаги илк арбаъинлар, асосан, соф диний характерга эга бўлиб, ислом динини кенг ёйиш, ислом арконларини умматга ҳамда оммага осон йўл билан тушунтириш, дин тарғиботи ишини йўлга қўйиш каби мақсадларни кўзлаган бўлса, кейинроқ бориб турли алоҳида мавзуларга бағишланган насрий арбаъинлар пайдо бўлди. Арбаъинлар фалсафий, тасаввуфий, адабий мавзуларни ўзида акс эттира бошлади. Тавҳид ва Аллоҳнинг сифатлари, аҳком, ибодат, панд-насихатга оид мавзуларда ҳадислар тўпланди. Маноқиб жанрида ёзилган арбаъинлар ҳам пайдо бўлди.

Имом Нававий ўзининг «Арбаъин Нававий»-«اربعين النووي» асарида: «Қирқ ҳадис ёзган олимларнинг баъзилари ақоидга оид, баъзилари диннинг турли масалалари – зуҳд, одоб, насихат ва бошқа мавзуларга оид ҳадисларни тўплашган. Уларнинг барчаси жуда гўзал ёзилган. Аллоҳ улардан рози бўлсин»¹¹, деб таъкидлайди.

Лекин тўлиқ маънодаги бадий асар ва адабий жанр сифатида арбаъинлар, А.Наджафов тўғри таъкидлаганидек, фақат форсий ҳамда туркий шеърятда мукамал шаклланди ва XV-XVI асрларда айнан Жомий, Навоий, Фузулий ижодида ёрқин намоён бўлди. Турли назарий тадқиқотларни ўрганиш асосида ҳамда арбаъиннинг шакли ва мазмунига доир спецификани белгилаш негизида арбаъин адабий жанрининг қуйидаги умумий жанр хусусиятлари мавжуд деб ҳисоблаймиз:

Муқаддас манбаларга таяниш – мазкур хусусият арбаъиннинг жанр сифатида бевосита ислом динининг муқаддас манбалари, яъни Қуръон ва ҳадис билан боғлиқлигидан келиб чиқади.

Ислом маънавияти ва маърифатига асосланганлик – бу жанр белгиси нафақат арбаъинга, балки барча диний-мистик адабиётга тегишли бўлиб, арбаъин жанрининг мазмунан имон-этикод билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқади.

Анъанавийлик – арбаъиннинг анъанавийлик хусусияти шундаки, у такрорланган, авлоддан авлодга етказилган, кадрланган ва эъзозланган, сақлаб қолишга уринилган, қадрият сифатида алоҳида эътибор билан қаралган.

Асар ғоясининг ўзига хослиги – асар ғоясини, одатда, асар муаллифи белгилайди. Бироқ арбаъинда икки ҳолат унинг ўзига хослигини ёрқин намоён этади, 1) арбаъинда асар ғояси мавжуд; 2) лекин бу ғояни асар муаллифи

¹⁰ Наджафов А. Подарок к сорокалетию (Опыт исследования поэтического толкования хадисов Джами и Навои) // Звезда Востока, 2003. – №2

¹¹ Имом Муҳиддин Закарий ибн Шараф Нававий. Қирқ ҳадис. – Т.: Моварауннаҳр, 2005. – Б. 3. (116 б)

мустақил равишда белгиламайди, балки муқаддас манбадан (яъни, ҳадисдан) танлаб, уни имкон даражасида бойитиши, муайян жиҳатига урғу бериши мумкин.

Тематик йўналтирилганлик – ҳар бир асарнинг мавзу доираси бўлгани каби арбаъин жанрининг ҳам мавзу қирралари мавжуд. Аммо ундаги мавзу қирралари фикҳ, калом, ақида каби соф диний йўналишларга эмас, балки ислом тафаккури доирасидаги ижтимоий-маънавий мавзуларга қаратилган бўлади.

Композицион қурилиш – арбаъин мустақил жанр сифатида ўз қурилиш ва структурал хусусиятларига эга. Улар миллий адабиёт хусусиятлари билан, яъни араб, ўзбек, форс-тожик ва бошқа адабиёт анъаналари билан узвий боғлиқ бўлади.

Бош қаҳрамон муаммоси – ҳар қандай бадиий асарда асарнинг бош қаҳрамони бўлиши талаб қилинади. Одатдаги бадиий асарда асарнинг муаллифи бош қаҳрамон, унинг характери, ҳаёти, тақдири масалаларини танлайди ва ёритади. Арбаъинларда ҳам бош қаҳрамон мавжуд, у эътиқодли мўмин инсон, аммо бу жанрнинг ўзига хослиги шуки, унда бош қаҳрамон субъект сифатида эмас, потенциал объект сифатида намоён бўлади. Яъни арбаъинлар ҳар қандай инсонга эмас, ислом эътиқодида бўлган мўмин инсонга қаратилган даъватлар, диний, оилавий, ижтимоий, ахлоқий мавзулардаги пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари асосидаги бадиийлаштирилган тавсиялар, маслаҳат, ўғитлардан иборат бўлади. Аниқроғи, уларда ҳақиқий эътиқодли мўмин инсон қандай бўлиши кераклиги тасвирланади. Булардан ташқари, диссертацияда арбаъиндаги тил, услуб масалалари, сюжет қурилишига эгалик, асарнинг индивидуаллик хусусияти каби жанр хусусиятлар ҳам батафсил кўриб чиқилган ва уларнинг ҳар бири конкрет мисоллар билан далилланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, арбаъинлар ислом ақидалари, қадриятлари ва маънавияти мавзуларида Куръон оятлари, ҳадислар талқинига бағишланиб, мақсадли равишда назм ёки насрда яратилган ўз муаллифига эга бадиий асар сифатида Ўрта асрлар Шарқ адабиётидаги алоҳида адабий жанр деб қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Диссертацияда арбаъин жанрига хос бадиий воситалар ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилган. Унда ахборотнинг аниқ ва равшан узатилиши, матннинг осон ёд олинishi, асар халқ тилига яқинлиги, осон тушунилиши мисоллар билан далилланган ҳолда батафсил қайд этилган.

Кузатишларимизга кўра, диний адабиёт, айниқса, муқаддас манбаларда билдирилган фикр, қараш ва ғояларга эргашиш икки кўринишда мавжуд бўлади. Бири, муқаддас манбаларни соф диний йўналишда тушунтириш, иккинчиси – муқаддас манбаларни соф адабий йўналишда тушунтиришдир. Биринчи йўналишда, муқаддас манбаларга эргашиш, уларга шарҳлар ёзиш (диний адабиётда уларни «тафсир» истилоҳи билан атайдилар) асосида бўлиб, булар, асосан, соф теологик адабиёт ҳисобланади. Иккинчи йўналиш – диний ақидаларнинг бадиий талқинига асосланган эргашиш – кўпроқ бадиий адабиётда учрайди. Арбаъинни уларнинг ҳам биринчи типига, ҳам иккинчи типига киритиш учун етарли даражадаги асослар мавжуд. Чунки арбаъин бевосита ислом муқаддас манбаларига таяниб шаклланади, мазмун ва

муаммолар ечими нуқтаи назаридан муқаддас манбалардан узоқлашиб кетолмайди, уларга таянади, уларда айтилган ғояларни такрорлайди. Бироқ бадиийлашган тарзда такрорлайди. Мана шу бадиийлик қирраси арбаъинни соф диний адабиёт тасарруфидан чиқаради ва уни бадиий адабиёт тасарруфига киритади.

Арбаъиннинг адабий жанр сифатида бажарадиган маънавий-маърифий вазифалари кўламини биз кўйидагилардан иборат деб ҳисобладик: арбаъинда адабий талқин масаласи; адабий изох бериш; чуқурлаштириб мазмунни баён қилиш; асл ғояларни ўз ғоялари билан бойитиш; содалаштириб, тушунарли қилиб баён қилиш; образлиликни кучайтириш асосида умумийликдан жузъийликка ўтиш; ҳаётга яқинлаштириш, назарий қарашларнинг амалиётдаги ҳолатини баён қилиш. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва улар диссертацияда мисоллар билан асосланган ҳолда батафсил очиб берилган.

Диссертациянинг «**Жомий ва Навоий «Арбаъин» асарларининг кўлөзма нусхалари ҳамда уларнинг матншунослик таҳлили**» номли иккинчи боби «Арбаъин»ларнинг кўлөзма нусхалари, уларнинг матншунослик таҳлили, Абдурахмон Жомий «Арбаъин»и кўлөзмалари, Алишер Навоий «Арбаъин»и кўлөзмаларининг тавсифи ҳамда Жомий ва Навоий «Арбаъин»ларининг қўшма китобат қилинган нусхалари, шу билан бирга, Алишер Навоий «Арбаъин» асарининг нашрлари хусусидаги маълумотлар тадқиқига бағишланган.

ЎЗР ФА ШИ кўлөзмалар фонди картотекаларини кўздан кечирганимизда 80 га яқин «Арбаъин» асарлари кўлөзмалари ва уларнинг бир неча нусхалари мавжудлиги маълум бўлди. Шу кунгача нашр этилган каталогларда ушбу кўлөзмалардан фақат баъзилари ҳақидагина қисқача маълумотлар келтирилган бўлиб, аксарият кўлөзмалар уларда ўз аксини топмаганлиги аниқланди. Жумладан, 1954 йил Тошкентда нашр қилинган СВР (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқ кўлөзмалари тўплами)нинг II томига Жомий «Арбаъин» асарининг фақатгина 2 та кўлөзмаси – 4535-I- ва 1331- рақамли нусхалари¹² ҳамда ушбу каталогнинг 1957 йилда нашр қилинган VI томида 3014-VI- рақамли¹³ кўлөзма нусхалари тавсифи киритилган. Ушбу тўпламларда Алишер Навоий «Арбаъин» асарининг 1315-VI-рақамли ва 9762-рақамли кўлөзма нусхалари, 1983 йил нашр қилинган «Навоий асарлари кўлөзмаларининг тавсифи»га 232-, 316-, 8-рақамли кўлөзма нусхалар ҳамда 1989 йили чоп этилган «Кўлөзмалар институти фонди каталоги»га яна 316, 8-рақамли кўлөзма, 2006 йил нашр қилинган «Алишер Навоий номидаги адабиёт давлат музейи кўлөзмалари каталоги»га 8-рақамли кўлөзма нусха киритилган. Шунингдек, Жомий ва Навоий «Арбаъин» асарларининг қўшма китобат қилинган нусхаларининг фонд каталогларида мавжуд 22 та нусхасидан фақат 5 тасигина каталогларга киритилган.

Аслида, ҳозирги кунда фонд картотекаларида Жомий «Арбаъин»ининг 12 та кўлөзма нусха ва Навоийнинг «Арбаъин» асари кўлөзмаларидан 10 та нусха мавжуд бўлиб, улардан фақат 4 та нусхагина нашр каталогларига

¹² СВР. II том. – Тошкент: Фан. 1954. – Б. 191, – Б. 411.

¹³ СВР. VI том. – Тошкент: Фан. 1963. – Б. 432.

киритилган. Булар ҳам кўпчилиги қисқартирилган тавсифлар бўлиб, шу сабабли тадқиқотимиз давомида ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган «Арбаъин» асарларининг барча қўлёзмалари рўйхатини аниқладик ва уларни бирма-бир ўрганиб чиқиб, муфассал тавсифларини диссертацияга киритдик. Ушбу илмий-аналитик тавсифларни тайёрлашда жаҳондаги ушбу соҳа мутахассисларининг тажрибасидан оқилона фойдаланиш асосида муайян илмий тамойилларни ишлаб чиқиб, уларни ўз ишимизда қўллашга ҳаракат қилдик. Масалан, асар бошланишидан бир парчаси ва охиридан бир парчаси араб алифбосида келтирилди. Бундан асосий мақсад бошқа қўлёзма фондларидаги мазкур асарнинг яна нусхалари бўлиши мумкинлигида бўлиб, араб алифбосида келтирилган парчалар мутахассисларга ана шу фарқларни солиштириш имконини беради.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондидаги Жомий «Арбаъин»нинг мавжуд 12 та қўлёзмасидан махсус каталог нашрларига кирмаган 8 таси – 282-VI, 1266-II, 6051-III, 3636-II, 3386-XXVII, 2202-I, 5900-I, 10493-XVI рақамли қўлёзма нусхаларининг тавсифини ҳар бир қўлёзманинг хусусиятидан келиб чиқиб маълумот бердик.

Навоий «Арбаъин» асарининг қўлёзма нусхаларидан энг қадимийлари ва аҳамиятлилари бу, 976¹⁴, 8¹⁵ ва 316 рақамли¹⁶ қўлёзмалар ҳисобланади. Биз Навоий «Арбаъин» асари қўлёзмаларини тавсиф қилишда юқоридаги тамойиллардан келиб чиқиб, каталогларда мавжуд тавсифларни тўлдириб, ҳам кенгайтириб беришни лозим топдик ва уларга каталог тавсифларида қайд этилмаган маълумотларни киритдик. Бундан ташқари, 316 рақами остида сақланаётган Навоий «Куллиёт»и таркибидаги «Ҳазойин ул-маоний»нинг яхлит бир девон ҳолида китобат қилинган нусхасида 4 девондаги 73 та «Ҳазойин ул-маоний» қитъалари олдидан 18 та «Арбаъин» қитъалари илова қилинганига эътибор қаратдик¹⁷. «Арбаъин» қитъалари Навоийнинг баъзи терма девонлари таркибига ҳам киритилган. Масалан, XIX аср бошларида Қўқонда китобат қилинган 232-рақамли қўлёзманинг бошида «Бадое ул-бидоя» дебочаси ва «Арбаъин» асари ўрин олган¹⁸. 2017 йил нашр қилинган «Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг шарқ қўлёзмалари тўплами. Адабиётлар (Девонлар)» номли каталогнинг I томида 9656-рақам¹⁹ билан берилган Навоий девонининг қўлёзма нусхасида «Бадое ул-бидоя» дебочасидан аввал «Арбаъин» муқаддимасидан ўн мисра насрий шаклда (мисраларга ажратилмаган ҳолда) келтирилган. Ушбу мисоллар Навоий «Арбаъин»ининг кенг китобхон оммаси ичидаги шухратига яна бир далилдир. Умуман, Жомий ва Навоий «Арбаъин»лари қўлёзма нусхалари таҳлили уларнинг диёримизда кенг тарқалганлиги ҳамда ўз даври китоб мухлислари доирасида машҳурлик касб этганлигини кўрсатади.

¹⁴ СВР. VII Том, Тошкент. Фан 1964. (5326-рақамли қўлёзма).

¹⁵ М.Ҳақимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент: Фан. 1983. Б.177-178.

¹⁶ Каталог фонда института рукописей. I том. – Ташкент: Фан. 1989. С. 11-12.

¹⁷ М.Ҳақимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 20.

¹⁸ Шу асар. – Б. 96.

¹⁹ Сборник Восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. Литературы (диваны). I Том. – Ташкент: 2017.– С. –214.

Навоий асарларининг китобат қилиниши турлича бўлиб, бу қўлёзмаларнинг хилма-хил китобат қилиниши турли давр, турли ижтимоий табақаларнинг маънавий дунёси, талаби ва эстетик завқининг маҳсули дейиш мумкин.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган Жомий ва Навоий «Арбаъин» асарларининг биргаликда китобот қилинган 2084, 10064, 11342-II, 11703-II, 5726-I, 1821-I, 670-I, 4351-I, 3975-IV, 6236-I, 2634-V, 10007-III, 12654-III, 3303-IV, 8848-I, 3902-V, 9309, 3622, 1235, 106-IV рақамли 20 та қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб улардан фақат 2084-IV, 9309, 3902, 3622, 106-IV-рақамли 5та қўлёзма нусхалар тавсифи юқорида зикр этилган нашр каталогларига киритилган²⁰.

9309-рақамли қўлёзма 1964 йил нашр қилинган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари тўпламининг VII томига 1306 тартиб рақами билан киритилган тавсифда «ҳар бир ҳадисдан сўнг Жомий ва Навоий таржималари келтирилган, деб қайд этилган²¹. Қўлёзмани кўздан кечирганимизда, бу қўлёзма нусхага Жомий «Арбаъин»и киритилмаганлиги, фақат Навоий «Арбаъин»и кўчирилганлиги маълум бўлди²².

Изданишларимиз натижасида, республикамиз қўлёзма фондларида сақланаётган нашр каталоглари тавсифига кирмаган Жомий, Навоий «Арбаъин» асарларининг биргаликда китобот қилинган 10064, 11342-II, 8848-I, 35 КП-4096 рақамли 4 та қўлёзма нусхалар аниқланди уларнинг тўлиқ тавсиф ва таҳлили қуйидаги тартибда берилди. Мисол учун:

Жомий ва Навоийнинг «Арбаъин» асарлари биргаликда альбом тарзида китобот қилинганларидан бири 11342-рақамли қўлёзма нусха бўлиб, у «Арбаъиния манзума Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий» номи билан Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Ушбу қўлёзмада 40 та ҳадис ва унинг назмдаги шарҳи форс-тожик, туркий чиғатой тилида кетма-кет берилган. Қўлёзма эътиборли, қадимий нусхалардан ҳисобланади. Бу қўлёзма شرح قصيدة ربوبيه ва شرح دلائل الخيرات хамда Абдул Қодир Жилоний شرح قصيدة غوثيه عبد القادر الجلانى нинг каби асарлар билан китобот қилинган. Қўлёзма номаълум котиб томонидан ҳижрий 1271 йили кўчирилган. Қўлёзма чиройли эрон насталиқ хатида Шарқ қоғозига ёзилган. Асар муқаддима, асосий матн ва хотимадан иборат. Асар матни қора сиёҳда, ҳадислар қизил сиёҳ билан ёзилган. Жадвалга олинмаган. Бир устунли, 8 йўл, саҳифа ўртасида Жомийнинг «Арбаъин» – «Чиҳил ҳадис»и, хошияда эса Навоийнинг «Арбаъин»и ёзилган. Варақлар уринмаган, пойгир бор. Варақлар сони – 5 (108а–112а) та. Матн ўлчови – 20х9. Қўлёзма ўлчови – 28,5х16,5. Қўлёзма нусха Жомий Арбаъинининг муқаддимаси билан бошланган бўлиб, Навоий асари илова қилинган. Диссертацияда матн бошланиши ва тугалланишидаги жумлалар хамда колофонлар бевосита араб ёзувида келтирилган.

²⁰ (2084-IV) – Каталог фонда института рукописей. I том. –Ташкент: Фан, 1989. С.57. (9309) – СВР. VII Том, – Тошкент. Фан 1964. С.145; (3902-V) – СВР. II Том, –Тошкент. Фан 1954. Б. 231; (3622) – СВР. II Том, – Тошкент. «Фан» 1954. С.215; (106-IV) – М.Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: Фан. 1983. Б.178-179.

²¹ Қаранг: СВР. VII Том, – Ташкент. Фан 1964. Б. 144-145.

²² ШҚФ – 9309.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қўқон Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида ягона нусхада 35 КП-4096 рақами остида Жомий ва Навоийнинг «Арбаъин» асари сақланмоқда. Бу қўлёзма ноёб нусхалардан бўлиб, матншунослик, манбашунослик фани ва хаттотлик, китобот санъати учун ҳам эътиборли манбадир. Қўқон давлат адабиёт музейида ягона нусхада сақланаётган ушбу қўлёзма тугалланмаган мажмуа сирасига кирса-да, XIX аср китобот санъти намунасига оид ноёб нусхалардан ҳисобланади. Шунингдек, матншунослик, манбашунослик фани, хаттотлик, зийнатли китобат санъати учун ҳам бебаҳо манбадир. Мазкур қўлёзма нусхалар хаттотлик ва китобот санъатининг ўзига хос намуналари бўлиб, ҳар қандай китобхонни ўзига жалб қилади. Котиб ва саҳҳофнинг чиройли дид билан ишлаган китоблари, аввало, халқнинг ҳадисларга бўлган эътибори ҳамда шеърятга бўлган муҳаббати маҳсулидир.

«Арбаъин»лар ҳақидаги тасаввурлар мукамал бўлиши учун биз тадқиқот давомида Жомий ва Навоий «Арбаъин»ларидан ташқари яна Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзма фондларида сақланаётган Абу Закариё Муҳйиддин Яҳё бин Шарофуддинан-Нававий (631-676 / 1233-1278)нинг «Арбаъин ан-Нававий» (12 нусхада), Маждиддин Шароф бин ал-Муйиддин ал-Бағдодийнинг «Арбаъин», Жалол бин Муҳаммад бин Убайдуллоҳ ал-Қойиний ал-Бухорий ал-Ҳиравийнинг «Арбаъин фи-л-ахлоқ», Муҳаммад бин Абу Бақр Усфурийнинг «Арбаъин Усфурий», Амир Сайид (бин) Алий Шаҳоб Ҳамадонийнинг «Чиҳил ҳадис дар сифат фуқаро», «Арбаъин ал-Олий», «Арбаъин ал-Лолий»(жами 5 нусхада), Аш-Шайх Муҳаммад ал-Омосавийнинг «Арбаъин ал-мавсум би шифаи ал-қулуб», Муҳаммад Номроднинг «Арбаъиния» ва «Чил ҳадис манзума» (2 нусхада), Абу Тоҳир Муҳаммад бин Ҳасан Алий Ушийнинг «Арбаъин ҳадисан», Закиддин Абу Муҳаммад Абдулазим ал-Қавий бин Абдуллоҳ ал-Маҳтадийнинг «Арбаъин фи истиноиён», Мир Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуронийнинг «Чил ҳадис» (5 нусхада), Фасих ад-Диннинг «Чиҳил ҳадис» (2 нусхада), Сайид Аҳмад Васлий Самарқандийнинг «Чиҳил ҳадис», Абдулжалил ибн Муҳаммад Иброҳимнинг «Чиҳил ҳадис таржимаси», Абдуллатиф бин Шайх Сулаймон Турбатийнинг «Чил ҳадис манзума», XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқонда яшаб ижод этган шоир, Муқимийнинг замондоши Муҳаййирнинг «Чил ҳадис» (Пуроний асарининг таржимаси), Муҳаммад Мурод Мавлоно Шомийнинг «Чил ҳадис» каби араб, форс ва ўзбек тилларида яратилган асарларини имкон даражасида мукамал тавсиф қилиб уларни иловада келтиришни лозим кўрдик.

Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги «Арбаъин» асарларининг қўлёзма нусхаларини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, биринчидан, бундай қўлёзмалар жуда кўп, хилма-хил шакл ва мазмунга, наср ва назмда ёзилиши билан бирга турлича мавзу йўналиши ва ўзига хос ёндашувларга эга экан. Улар, асосан, араб, форс-тожик ва туркий тилларда яратилган бўлиб, энг машҳурлари (яъни энг кўп кўчирилганлари) араб тилида Нававийнинг, форс-тожик тилида Жомий, туркий тилда Навоийнинг «Арбаъин»лари экан.

Диссертациянинг «Жомий, Навоий ва Фузулий «Арбаъин»ларининг солиштирма қиёсий таҳлили» номли учинчи бобида Жомий, Навоий, Фузулий «Арбаъин»ларининг қиёсий таҳлили жой олган.

Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари ва уларга битилган баъдий шарҳлар Шарқ адабиётида қадимдан мавжуд бўлиб, масалан, Адиб Аҳмад «Ҳибат ул-хақойиқ» асарида жами 21 ҳадиснинг туркий тилдаги шеърий шарҳини келтирган²³. XV-XVI асрларга келиб Шарқ халқларининг буюк мутафаккир шоирлари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийлар ҳам ҳадисларнинг шеърий шарҳларини форс-тожик, ўзбек ва туркий (озарбайжон) тилларда талқин этганлар. Адабиётшунослиқда бу учала «Арбаъин»лар борасида алоҳида олинган ҳолда баъзи жузъий фикрлар кўп маротаба айтилган бўлса-да, лекин мазкур асарлар ва уларнинг қўлёзмаларини биргаликда олиб, муқояса қилинган таҳлили ҳали-хануз амалга оширилмаган. Биз ўз тадқиқотимизда Жомий, Навоий ва Фузулийларнинг «Арбаъин»ларини ўзаро қиёслаш, уларни қиёсий-солиштирма тарзда илмий жиҳатдан баҳолашни мақсад қилиб олдик. Жомийнинг «Чиҳил ҳадис» асари муқаддима, асосий қисм ҳамда хотимадан иборат бўлиб, Навоий ва Фузулий «Арбаъин»ларида ҳам худди шу тартиб сақланиб қолинган.

Жомий муқаддимани насрда ёзган бўлиб, форс-тожик ва арабий сўзлар кетма-кетлигидан мураккаб жумлалар юзага келган. Муқаддима сажда ёзилганлиги форсий матнда яққол кўзга ташланади. Жомий асар муқаддимасида Пайғамбар (с.а.в.)нинг «Умматимдан кимки 40 та ҳадисни ёд олса, у улардан фойда топади, қиёмат кунида Аллоҳ таоло уни фақиҳ олим холида қайта тирилтиради» деган ҳадисларини келтириш билан аслида «Чиҳил ҳадис»нинг ёзишдан бош мақсад нима бўлганлигини эътироф этади ва бу ҳадисга амал қилиб, осон тушуниладиган ва китобхонни ўзига жалб қилиши қулай бўлган ҳадислардан қирқтасини бир ерга жамлаб, уларни форс-тожик тилида шеърий шарҳини берганлигини айтиб ўтади. Муқаддима анъанавий араб тилидаги дуо билан яқунланади. Дуодан сўнг араб тилидаги 40 та ҳадис ва унинг форс-тожик тилидаги шеърий шарҳлари кетма-кет берилган. Шу аснода 40 ҳадиснинг форс-тожик тилидаги шеърий талқини юзага келган. Асар форс-тожик тилида 2 та қитъа ва араб тилидаги дуо билан хотималанган.

Навоий «Арбаъин»ининг муқаддимаси Жомий «Арбаъин»и муқаддимасидан кескин фарқ қилади. Аввало, Навоий муқаддимаси насрда эмас, балки 46 мисра шеърда баён қилинган. Навоий муқаддимасини мазмунига кўра икки қисмга: 1) «*одоби тасниф*» ва 2) «*сабаби таълифи манзума*» мавзуларига ажратиш мумкин. «Одоби тасниф» қисми худога, пайғамбарга, Жомийга ва Ҳусайн Байқарога бағишланган бўлса, «Сабабаи таълифи манзума»да асарни ёзишдан мақсад ва бу асардан кўзланган умид ҳамда унинг фойдаси ҳақида сўз боради. Навоий «Арбаъин»га ўзгача бир руҳият ва самимият билан ёндашади. Агар устози муқаддимада Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларини келтириш билан 40 та ҳадисни ёд олган одам қиёмат кунида

²³ Адиб Аҳмад Югнакий. «Ҳибату-л-хақойиқ». Қосимжон Содиков транскрипцияси, талқини ва таҳлилида. Т.-Академнашр – 2019, 71-104.

Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўлиши ҳақида сўз юритган бўлса, Алишер Навоий агар улус Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларига эргашиб, жаҳолатни тарк этса ва илмга ошно бўлса, жаҳаннам азобидан нажот топиб, жаннатда абадий ҳаётга эришиши ҳақида хабар беради. Навоий устози танлаган 40 ҳадиснинг ишончли манбалардан, яъни икки буюк муҳаддис – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва Муслим бин Хажжожларнинг «Алжомиъ ас-саҳиҳ» асарларидан олинганлигини, бу ҳадислар энг ишончли, шубҳадан холи эканлигини айтиш билан ўзи нега ушбу ҳадислардан четга чиқмаганини изоҳлаб ўтади. Навоий нега ўзбекча «Арбаъин» ёзишга киришганини изоҳлар экан, Жомий араб тилидаги 40 ҳадиснинг маъносини форс-тожик тилида назмга солиш билан форс-тожик тилини билувчиларни ҳадисларнинг маъно-мазмунидан баҳрадор қилган бўлса, туркийзабонлар ҳам ўз тилларида ўқиб, тушунсинлар деган ниятда бу қутлуғ юмушга қўл урганлигини баён қилади.

Навоийнинг туркий «Арбаъин» ёзишдан яна бир мақсади дўсти, адолатли шоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳам бу ҳадисларни ўқиб, унинг назми юрагига таъсир этса ва уларга амал қилиб халқни бошқариш билан Пайғамбар (с.а.в) шафоатига муяссар бўлса, деган орзу эдики, шоир ўз орзусини назм ипига шундай тизади:

*Бор умидимки шоҳи шаръойин
Ким, набий шаръига берур тазйин,
Чун ул авроқ сари солгай кўз,
Айлагай кўнглига асар бори сўз.
Насридин дағи баҳравар бўлгай,
Назмидин ҳам анга асар бўлгай,
Бу кун ўлса ҳадисларга мутий
Тонгла бўлгай муҳаддис анга шафиъ.*

